

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING
QARORI

338 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 4 февралдаги ПФ–4702 сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 4 февралдаги ПФ–4702-сон Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 4 февралдаги ПҚ–2293-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 27 июнь,
171-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 27 июндаги 171-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг иш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 12 октябрдаги 502-сон қарорининг 4 ва 5-бандларидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» ҳамда «Алоқа, ах-

боротлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасида» сўзлари тегишли равишда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» ҳамда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1996 йил 11 апрелдаги 143-сон қарори 11-бандининг олтинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «ИНТЕЛСАТ» йўлдош алоқаси халқаро ташкилотига кириши тўғрисида» 1997 йил 24 февралдаги 105-сон қарорининг 2-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 1 июлдаги 274-сон қарорида:

а) қарорнинг номидаги, муқаддимасидаги, 1-банднинг биринчи хатбошидаги, 2-банддаги, 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

илованинг номидаги, 1, 2, 7 ва 19-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Бошқарманинг шахсий таркиби қўйидагилардан иборат бўлади:

а) контракт бўйича оддий аскар, сержант ва зобитлар таркибида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар;

б) ҳақиқий ҳарбий муддатли хизматга чақирилган ҳарбий хизматчилар;

в) Қуролли Кучлар ишчилари ва хизматчилари»;

10-банднинг «а» кичик бандида:

тўртинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Дам олиш уйи» махсус объектининг алоқа узелини ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизими объектларини харбийлаштирилган кўриқлаш»;

11-банддаги «зобитлар, прапоршчиклар ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

12-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги «зобитлар ва прапоршчикларга харбий унвонлар Бошқарма бошлиғининг тақдимномасига кўра Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан» сўзлари «контракт бўйича харбий хизматчиларга харбий унвонлар қонунчилиқда белгиланган тартибда берилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

20-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

23 ва 27-бандлардаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Частота спектридан фойдаланиш самардорлигини ошириш, теледастурлар ва маълумотларни узатишни шакллантириш ва тарқатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 26-модда):

а) 5-банднинг биринчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

5-банднинг учинчи хатбошидаги ва 7-банднинг ўн учинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 10-банднинг учинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат

қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-иловада:

5-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг биринчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 7-иловада:

2-банднинг «г» кичик бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» ва «Қўмита» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» ва «Вазирлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

6, 8-бандлардаги, 9-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилардаги, 11, 12, 13, 15, 16, 18-бандлардаги ва 19-банднинг биринчи хатбошидаги «Қўмитаси», «Қўмитасининг» ва «Қўмитасига» сўзлари тегишли равишда «Вазирлик», «Вазирликнинг» ва «Вазирликка» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Темир йўл станцияларида божхона назоратини ва назорат постларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 24 ноябрдаги 489-сон қарори учинчи бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон 17-модда) 3-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш (II босқич) учун Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармасининг имтиёзли кредитига хизмат кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 6 июлдаги 331-сон қарорида:

а) 5-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва те-

лекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2000 йил 30 июндаги 253-сон қарорида:

а) 1 ва 5-бандлардаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» ҳамда «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» ҳамда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг номидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 йил, 11-сон, 73-модда):

а) 1-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» ва «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» сўзлари тегишли равишда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

2-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

20-банднинг иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловадаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-иловадаги «O‘zbekiston Respublikasi Aloqa, axborotlashtirish va telekommunikatsiya texnologiyalari davlat qo‘mitasi», «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илованинг «Субъектлар» ва «Тадбирлар» устунларидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» ҳамда «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда раиси» сўзлари тегишли равишда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» ҳамда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 декабрдаги 473-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 йил, 12-сон, 76-модда) билан тасдиқланган Халқаро шартномалар лойиҳаларини эксперт даражасида ишлаб чиқиш ва халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш зиммасига юкланган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари рўйхатидаги Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 октябрдаги 429-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 йил, 10-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

4-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (Қўмита)» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Вазирлик)» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банддаги ҳамда 9-банднинг биринчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилардаги «Қўмитанинг» ва «Қўмига» сўзлари тегишли равишда «Вазирликнинг» ва «Вазирликка» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 6 июндаги 200-сон қарорида:

а) 3-банднинг биринчи хатбошидаги ва 8-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва

коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 8-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 йил, 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхатидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 йил, 1-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник қўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 39-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Тинчлик ва уруш даврида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий қўриқдан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига изоҳдаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 мартдаги 128-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 йил, 3-сон, 22-модда) билан тасдиқланган Корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида фуқаролар томонидан муқобил хизматни ўташ амалга ошириладиган вазирликлар ва идоралар рўйхатининг 7-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 11 ноябрдаги 499-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг учинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловининг 5-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

4-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 3-иловада:

19-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат қўмитаси деб аталади)» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

21, 23-бандлардаги, 24-банднинг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошилардаги ҳамда 25-банддаги «давлат қўмитаси», «давлат қўмитасини» сўзлари тегишли равишда «вазирлик», «вазирлигини» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг макоми тўғрисида» 2004 йил 12 апрелдаги 170-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

2-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

42-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 6 майдаги 213-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 йил, 5-сон, 47-модда) 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий коммуникациялар соҳасида

бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 йил, 11-сон, 108-модда):

а) 2-банднинг биринчи ва учинчи хатбошилардаги, 3-банднинг учинчи хатбошидаги ва 7-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» ҳамда «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» ҳамда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

1-банднинг биринчи хатбошидаги, 2, 14 ва 19-бандлардаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг биринчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги, 11-банднинг тўртинчи хатбошидаги ва 17-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг» ҳамда «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси» сўзлари тегишли равишда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг» ҳамда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрдаги 592-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 йил, 12-сон, 109-модда) билан тасдиқланган Радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги 18-банднинг ўн бешинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10¹-банддаги, 25-банднинг иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаш-

тириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 23-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловадаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 июндаги 152-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 йил, 6-7-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Алоқа объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5, 6, 14-бандлардаги, 15-банднинг биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилардаги, 17-банддаги, 18-банднинг бешинчи хатбошидаги, 20 ва 24-бандлардаги, 26-банднинг иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси», «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари тегишли равишда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги», «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Низомга иловадаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 йил, 9-10-сон, 50-модда):

а) 1-илованинг 2-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасида» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 4-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасида» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Ахборотлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 йил, 11-сон, 62-модда):

а) 1-илованинг 3, 16, 17-бандларидаги, 19-банднинг иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари дав-

лат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 13-бандидаги ва 19-банднинг иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» ҳамда «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари тегишли равишда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» ҳамда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 декабрдаги 282-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 йил, 12-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Ахборот ресурсларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва «ZiyoNET» тармоғининг технологик майдончасида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди иккинчи ва тўртинчи хатбошилардаги, 9-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 йил, 2-сон, 11-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги ва 3-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» ҳамда «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари тегишли равишда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» ҳамда «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 41 — 43-4, 43-8 ва 43-9-бандларидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 йил, 10-сон, 76-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 8-банднинг учинчи хатбошидаги ва 16-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Низомга 4-иловадаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 28 июндаги 132-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 йил, 6-сон, 36-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида босма ва китоб, телерадио-, аудиовизуал махсулотлар ва Интернет тармоғи ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 йил, 8-сон, 50-модда):

а) 2-банддаги, 3-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг 19 ва 20-бандларидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-илованинг 38-40, 40-1 — 40-6, 45-бандларидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 йил, 12-сон, 71-модда) 3-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 14 январдаги 10-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 йил, 1-сон, 3-модда):

а) 3-банднинг биринчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот техно-

логиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

3-банддаги, 7-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилардаги, 19-банддаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 17-бандда:

биринчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида» 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 йил, 4-сон, 30-модда):

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 72, 83 ва 84-бандларидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг 12 бандидаги ва иловасидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-илованинг 12-бандидаги ва иловасидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 йил, 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларининг 24-бандидаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган 2011 — 2015 йиллар даврида Ўзбекистонда БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича Қўшимча чора-тадбирлар комплекси 15-позициясининг «Масъул бажарувчилар ва шериклар» устундаги «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» сўзлари «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

